

Шарҳ: Бу ҳадис Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вақт ўтиши билан юзага чиққан мўъжизаларидан биридир.

Дарҳақиқат, одамлар ўз Пайғамбарлари соллаллоҳу алайҳи васаллам макруҳ кўрган нарса – масжидларни беҳуда зийнатлаш билан фахрланадиган даражага етдилар.

Имом Бухорий қилган ривоятда:

«Масжидлар ила фахр қилурлар ва сўнгра уларни оз обод қилурлар», яъни, уларда оз ибодат қилурлар, дейилган.

Ҳозирги кунимизда айни шу ҳолат юзага чиқиб турибди. Оддий кишилар ҳам масжид қурсалар, унинг биносини зийнатлашга, фахр учун бошқаларникидан ўтказишга ҳаракат қиладилар. Аммо унда қилинадиган ибодатнинг қай даражада эканлиги билан ишлари йўқ. Дунёда энг катта ва энг зийнатли масжид қуриш билан фахрланиш учун мусобақа кетаётгани ҳам маълум. Дунёга жар солиб, масжиднинг ҳажмининг катталиги, уни қуриш учун кетган маблағнинг кўплиги, қанча соф тилло ишлатилганлиги билан мақтаниш авжида. Аммо у масжидда ибодат қилиш, Аллоҳнинг ҳукмини ўрганиш қандай, бу ҳақда ўйлаб кўрмайдилар. Ўша масжидларни фахр учун беҳуда зийнатлашга миллион-миллион сарф қиладилар-у, мусулмонлар дин таълими учун озгина маблағ сўрасалар, беришдан бош тортадилар.

Бу Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мўъжизалари – қиёмат яқинлашганининг аломатидир.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди